

**АВТОМОБИЛ ТРАНСПОРТИДА ЮК ТАШИШ УЧУН  
№ 53 - сонли ШАРТНОМА**

18.10.2022 йил

Тошкент шаҳар

«COTTON GRAIN LOGISTICS» МЧЖ бундан кейинги Уринларда «БАЖАРУВЧИ» деб аталувчи, Устави асосида фаолият юритувчи раҳбари М.Нишонбоев, бир томондан ва «Тошкентдонмахсулотлари» АЖ бундан кейинги Уринларда «БУЮРТМАЧИ» деб юритиладиган, жамият Устави асосида иш юритувчи бошқарув раиси Б.Х.Касимов, иккинчи томондан қуйидаги шартларга эга булган шартномани туздилар:

**I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ ВА СУММАСИ**

1.1. Мазкур шартнома шартларига кўра «Буюртмачи» «Бажарувчи» томонидан амалга оширилган автотранспорт хизмат ҳақини тўлаш, «Бажарувчи» эса «Буюртмачи» топшириги асосида автотранспорт хизматини кўрсатиш мажбуриятини олади.

1.2. «Бажарувчи» ўзининг автотранспортларида «Тошкентдонмахсулотлари» АЖга қарашли ДҚҚШлардан «Тошкентдонмахсулотлари» АЖ ва «Тошкентдон» филиалигача бугдой ташиб бериш, «Тошкентдонмахсулотлари» АЖ ва «Тошкентдон» филиали орасида 4 230 метр масофага (Бугдой, кепак, бугдой чиқиндиси) ташиш бўйича қатновларни амалга оширишда транспорт хизматларини бажариш, «Тошкентдонмахсулотлари» АЖ ва «Тошкентдон» филиалида соатбай ички ташув бўйича транспорт хизматларини бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. Ушбу танлов бўйича шартноманинг умумий суммаси **5 113 999 900,00 (беш миллиард бир юз ун уч миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг тўққиз юз) сум, ҚҚС билан.**

**II. ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ**

2.1. «ТАШУВЧИ» томонидан ҳақиқатда бажариладиган иш-хизматлари Дололатнома ва счет-фактурага ҳамда реестрга асосан қабул қилинади.

2.2. Юк ташиш ва у билан боғлиқ ишлар ва хизматлар учун ҳақ, ҳар бир ташилган тонна/км масофага дизел ёқилгиси билан ишлайдиган транспортларда 1 500 сум ҚҚС сиз белгиланади шунингдек газ ёқилгиси билан ишлайдиган транспортларда 1 200 сум ҚҚС сиз белгиланади. *(Ёқилги тури ушбу шартномага илова этиладиган транспортнинг Тех.Паспорти асосида аниқланади).* «Тошкентдонмахсулотлари» АЖ ва «Тошкентдон» филиали орасида 4 230 метр масофа учун ҳақ, ҳар бир ташилган Юк учун 1 марталик ташилган хизмат нархи тоннасига дизел ёқилгиси билан ишлайдиган транспортларда 35 000 сум ҚҚС билан белгиланади шунингдек газ ёқилгиси билан ишлайдиган транспортларда 25 000 сум ҚҚС билан белгиланади, соатбай бажариладиган ишлар ва хизматлар учун ҳақ ҳар бир машинада 1 соат учун 160 000 сум ҚҚС сиз белгиланади.

2.3. Юк ортиш жойларида темир йўл станцияси мавжуд бўлган ҳолларда юк ташилганда, амалга оширилган транспорт хизмати нархлари шу юк ташилган ойдаги темир йўл кўрсатадиган ўртача нарх асосида ҳисоб-китоб қилинади.

2.4. «БУЮРТМАЧИ» «ТАШУВЧИ» га шартнома умумий суммасидан 15% дан кам бўлмаган миқдорда олдиндан ҳақ тўлайди, қолган ҳисоб-китоблар ҳисоб-варок фактура тақдим қилингандан сунг 60 кун ичида тўланади.

**III. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари:

3.1.1. Ушбу шартномага асосан ва белгиланган режа-график бўйича транспорт хизматлари кўрсатишни «Бажарувчи»дан талаб қилиш;

3.1.2. «Буюртмачи» «Бажарувчи» дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

3.2. Буюртмачи мажбуриятлари:

3.2.1. Махсулотни ва товар-транспорт варақаларини ўз вақтида тўла расмийлаштириш, автомобил келган ва кетган вақтини белгилаш.

3.2.2. Автомобиллар ишсиз туриб қолмаслигини таъминлаш.

3.2.3. «Бажарувчи» томонидан етказиб келинган, сифат ва миқдор жиҳатидан амалдаги стандарт талаблари ва норматив ҳужжатларга мос келган бугдойни белгиланган тартибда расмийлаштирган ҳолда қабул қилиб олади;

3.2.4. «Бажарувчи» юкни ДҚҚШ лар тарозисидан ўтказиб юкни қабул қилиб олувчи бош қорхонага олиб келиб тарозидан ўтказилганда, ўртада камомад фарқ аниқланган тақдирда, ҳар бир кг бугдой (уруғлик) учун бозор нархида «Буюртмачи»га тўлайди

3.2.5. «Бажарувчи» томонидан ташиб келтирилган юкда камомад ҳолатлари аниқланганда бу камомад қиймати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25-май кундаги №95-сонли қарори билан тасдиқланган «Дон ва донни қайта ишлаш махсулотлари билан операциялар ҳисобини юритиш ва расмийлаштириш» тўғрисидаги Йўриқнома талаблари асосида бажарувчи ўз ҳисобидан тўлайди.

3.3 «Бажарувчи»нинг ҳуқуқлари:



- кўрсатилган «Хизматлар» учун амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китоб қилинишини «Буюртмачи» дан талаб қилиш;

### 3.4. «Бажарувчи»нинг мажбуриятлари:

3.4.1. Юк ортиш учун техник соғ автомобилларни шунингдек ҳайдовчисини тиббий кўрикдан ўтказиб, меҳнат муҳофазасини ўз зиммасига олган ҳолда автомобилларни ўз вақтида бериш.

3.4.2. Юкнинг ҳажми ва ҳусусиятларига қараб ташишни амалга ошириш учун автомобиллар тури ва миқдорини аниқлаб, сифатли хизмат кўрсатиш.

3.4.3. Автомашиналарга юк ортиш жойидан ортилган юкнинг белгиланган манзилга тўлиқ ва бекаму-қўст етиб келишнинг учун тўлиқ жавобгар бўлади.

3.4.4. Автомашиналарга ортилган бугдойни ўз ҳажмида ва сифатида келиб тушишини тўлиқ таъминлайди.

3.4.5. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу шартнома мажбуриятларининг муддатида бажарилишини таъминлаш.

3.4.6. Кўрсатиладиган транспорт хизматларининг шартномада белгиланган талабларга, шунингдек амалдаги стандартлар ва нормативларга мувофиқлигини таъминлаш;

3.4.7. Техник носозликлар сабабли донни ташиш муддати кечиктирилган тақдирда зарарни тўлаш;

3.4.8. Ўзига ишониб топширилган юкни «Буюртмачи» нинг манзилига етказиб бериш, ҳамда унинг вақилига топшириш;

## IV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокара йўли билан хал қилинади.

4.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан хал қилиб бўлмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Охангарон туманлараро иктисодий судида кўрилишига тегишли бўлади.

4.3. Шартномани бажаришдан бир томонлама воз кечишга, ўзгартиришга, бекор қилишга ёки тўхтатиб қўйишга йўл қўйилмайди.

## V. НИЗОЛАРНИ КУРИБ ЧИКИШ ТАРТИБИ

5.1. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда, тарафлар, қондага қура, уларни судга хал этиш чораларини қурадилар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига риоя қилинади.

Тарафлар узаро келиша олмаган тақдирда, келишмовчилик ва низоларни хал этиш учун судга бевосита мурожаат этишга ҳақлидир.

## VI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

6.1. Янги қонун, меъёрий ҳужжатлар қучга кирганда, нархлар, энг кам иш хақи даражаси ва хоказолар ўзгарганда томонлар янги шартномавий нархларни келишиб олишлари мумкин. Ушбу келишув мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

6.2. Ушбу шартнома бир хил юридик қучга эга бўлиб икки нусхада имзоланди ва томонларда бир нусхадан сақланади.

6.3. Шартнома ушбу танлов бўйича шартноманинг умумий суммаси бажарилгунга қадар амал қилади.

### БАЖАРУВЧИ

«COTTON GRAIN LOGISTICS» МЧЖ

Тошкент вилояти

Иттиҳодот

Р/с: 2020800020524094001

Тошкент вилояти

МФО: 00083 ИНН: 309199923

ОКЭД: \_\_\_\_\_

### БУЮРТМАЧИ

«Тошкентдонмахсулотлари» АЖ

Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани,

Ойтамғали, Қуштамғали ҚФЙ,

Меҳнатобод кўчаси, 59-уй.

Х/р: 2320 8000 8002 3245 9100

ФШОН Ш., "АГРОБАНК" АТБ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ ФИЛ.

МФО: 00075, ИНН: 200 547 706.

ОКЭД: 0110, Тел.: (71) 283 50 19.

Б.Х.Касимов

### Ҳуқуқий экспертиза

Ушбу шартнома лойиҳаси амалдаги Фуқоралик Кодекси ва «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг қонун ҳужжатлари билан тарғиб қилиниши» - ҳуқуқий базаси туғрисидаги қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Юқоридаги қонун талабларига мос тушганлиги сабабли шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.